

МОВАРОУННАХРДА ҲАНАФИЙ ФИҚҲИ РИВОЖИ ВА УНДА МАСЪУД САМАРҚАНДИЙНИНГ “САЛОТИ МАСЪУДИЙ” АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Усманова Хулкар Маматовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8313564>

КАЛИТ СЎЗЛАР: Ҳанафий фиқҳи ривож, даврлар, Мовароуннаҳр, фиқҳ, фиқҳ тарихи, Масъуд Самарқандий, “Салоти Масъудий” асари,

Аннотация: Ушбу мақолада Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳи ривожининг даврлари ва унда XIII аср охири ва XIV аср бошида яшаган Масъуд Самарқандий “Салоти Масъудий” асарининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Табиийки, ҳар бир даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгариб туриши фақиҳлар олдига ҳам катта вазифаларни қўйган. Масъуд Самарқандийнинг ибодат масалаларига кенг миқёсда тўхталиши давр талабидан бўлса керак, албатта. Чунки Масъуд Самарқандийнинг ижодий фаолияти айнан мўғуллар истилосидан кейинги даврларга тўғри келади. Бу даврда мўътазилий, қадарий, жабарий, қарматий каби турли оқим вакиллариининг таъсири кучайган эди. Табиий равишда, айнаи давр ва ҳолат учун ибодат масалалари тўғрисида ихтилофлардан йироқ ва мукаммал асарларга эҳтиёж сезилган.

Тадқиқотлар доирасида Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳи ривожини қуйидагича тақсимланганини кузатиш мумкин:

- 1) VIII аср охири – X аср: шаклланиш ва тараққиёт даври.
- 2) XI-XII асрлар: классик давр.
- 3) XIII аср боши – 1270 йиллар: постклассик давр.
- 4) XIII аср охири - XIV аср: парокандалик даври[1].

Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳ мактаби тўғрисида маълумотлар асосан ўрганилаётган даврда яшаб ижод қилган фақиҳларнинг ўз асарларидан, шунингдек тарихий асарлардан, бундан ташқари табақот китобларидан олиниши мумкин.

“Таъкидлаш ўринлики, Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзгариб туриши фақиҳлар олдига ҳам катта вазифаларни қўйган. Биз тарихий далилларни синчиклаб ўрганмай туриб, олимлар томонидан берилган фатволарнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англашимиз мумкин эмас. Яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилиши лозимки, Мовароуннаҳр ҳанафий фиқҳ мактаби уламолари томонидан бутун дунёдаги фондларда сақланаётган асарларнинг умумий сони икки юзга яқин. Бугунги кунга келиб мазкур асарларнинг 60-70 тасигина қайта замонавий нашрдан чиққан. Бирламчи манбаларнинг ҳанузгача тўлиқ тадқиқ этилмагани ҳанафий фиқҳи, жумладан унинг ривожига мовароуннаҳрлик олимларнинг ўрни борасидаги тугал фикрни айтиш қийин бўлади. Бинобарин, мазкур асарларни тўлиқ ўрганиб, қиёслаш йўли билангина, тарихий жараёнларга тўлиқ, холис баҳо бериш ва шу йўл билан кишилик жамиятида юзага келувчи муаммолар ечимига ёндашиш усуллариининг янги қирраларини кашф этиш мумкин” [2].

Садриддин Айний фикрларига кўра [3], Мовароуннаҳр фиқҳ тарихини уч даврга ажратганларини таъкидлайди: 1) классик давр (VIII-XIV); 2) постклассик давр (XIV-XVI); 3) инқироз даври (XVII-XIX).

Ушбу даврлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиладиган бўлса, таъкидлаш ўринлики,

классик даврда ҳанафий уламолар ҳеч қандай сиёсий манфаатларга берилган эмаслар ва улар жамиятда юзага келган муаммоларга ислом манбаларига таянган ҳолда, ечим берганлар. Аҳли ҳадислар ва бошқа фикҳий йўналишлардан фарқли ўлароқ ҳанафийликда кейинги даврда юзага келган муаммолар ечимида қиёс услубидан кенг фойдаланилган. Бу эса, айрим догматик қарашларга муккасидан кетувчи таассубга берилган руҳонийларнинг эътирозига сабаб бўлган. Шунга қармай, ҳанафий уламолар томонидан берилган ечимлар жамиятнинг бошқа қатламлари, хусусан оддий халқ тарафидан яхши қабул қилинган. Айни мана шу сабабдан ҳам ҳанафийлик Мовароуннаҳрдаги устувор фикҳий мактаб бўлиб сақланиб қолди.

Постклассик давр уламолари асосан классик даврда ёзилган фикҳий асарларга таяниб, уларнинг услубларидан фойдалаган ҳолда, юзага келган муаммоларга ечим бера бошлаганлар. Асосан, бу даврда ёзилган асарлар ҳам аввалги асрлардаги каби асарлар шарҳи бўлиб қолди. Шунингдек, бу даврда айрим уламолар ҳукмрон табақа манфаатларини ҳимоя қилувчи фатволар беришга, бунинг эвазига каму-кўстсиз яшашга ўта бошлаганлар. Бу ўз навбатида халқнинг норозилигини уйғотиши табиий. Шунинг учун ҳам бу билан параллел тарзда халқ дардини тушунувчи, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи олимлар ҳам кўп бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Инқироз даврининг асосий хусусияти, фикҳий йўналишда тубдан ислохотларни юзага келтирувчи жараён кузатилмайди. Бу даврда ижтимоий ҳаёт муаммоларини тўлақонли муолажа қила олувчи фундаментал асарлар яратилмади. Фатволар асосан аввалги давр уламолари қолдирган мерос асосида берила бошланган. Шунингдек, уламолар ҳукмдор табақа билан тўлиқ муроасада бўлганлар. Бу эса, халқнинг дардини, ижтимоий муаммоларнинг кўпайиб кетишини юзага келтирган.

Ҳанафий мазҳаби ривожланишини даврларга бўлиб ўрганиш бўйича кейинги вақтдаги тадқиқотларда қуйидаги беш давр келтириб ўтилади[2]:

- 1) VIII асрнинг иккинчи ярми – IX аср: шаклланиш даври.
- 2) X аср: ўтиш даври.
- 3) XI-XII асрлар: классик давр.
- 4) XIII-XIV асрлар: постклассик давр.
- 5) XV-XX: усмонийлар салтанати даври.

Юқоридаги даврлар оралиғида, айниқса классик ва постклассик даврда Мовароуннаҳр фикҳ мактаби вакиллариининг ҳанафийлик таълимотини такомиллашувида катта ҳиссаси бор. Айни шу даврда мовароуннаҳрлик уламоларнинг то ҳозиги кунгача ўзининг илми ва ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган асарлари дунё юзини кўрган.

Ана шундай асарлардан бири Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асаридир.

“Салоти Масъудий” асари Марказий Осиёда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабидаги барча мусулмонларнинг диний-ҳуқуқий соҳасига оид ҳаётий масалаларига бағишланган. “Бул китоб “Салоти Масъудий”ким, мутазоммин аҳкоми фикҳийдур ва ҳомили масоили шаръийдур” [4]. Ҳар бир масалада Қурони каримдан, пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари ва Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раъйларидан ҳужжат ва далиллар келтирилган. Шунингдек, Абу Юсуф Яъқуб, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний, Бурҳониддин Марғиноний ҳамда бошқа нуфузли дин арбоблари асарларидан иқтибослар келтирилади.

Китобнинг “Салоти Масъудий” деб номланишига сабаб “Намоздан ибтидо қилиб, бул китоб салоти Масъудийға шуруъ қилинди” [5]. Бошқа анъанавий фикҳ китобларидан фарқли ўлароқ, “Салоти Масъудий” китоби таҳорат бобидан эмас, намоз бобидан бошланган. Китобдаги аксар масалалар ҳам намозга бағишланган. Масалан, 1 ва 2-жилдларда намоз ва унга боғлиқ бўлган масалалар баён қилинган бўлса, 3-жилдда закот, рўза, ҳаж, никоҳ, талоқ, қурбонлик, қулларга тегишли шарт-шароитлар, олди-сотди, вақф, васият ва ҳоказо фикҳий масалалар ёритилган.

Муаллифнинг ибодат масалаларига кенг миқёсда тўхталиши давр талабидан бўлса керак, албатта. Чунки Масъуд Самарқандийнинг ижодий фаолияти айнан мўғуллар истилосидан кейинги даврларга тўғри келади. Бу даврда мўътазилий, қадарий, жабарий, қарматий каби турли оқим вакиллариининг таъсири кучайган эди. Табиий равишда, айнаи давр ва ҳолат учун ибодат масалалари тўғрисида ихтилофлардан йироқ ва мукаммал асарларга эҳтиёж сезилган.

“Салоти Масъудий” асарининг аҳамияти ва қиммати шундаки, у ҳанафий мазҳабида ёзилган бўлиб, тўлалигича шаръий ҳукмлар ва ҳаётий масалаларга бағишланган ҳамда ўзига хос илмий услубда таълиф этилган. Масъудий ҳар бир ҳукмни нақлий ва ақлий далиллар билан исботлайди. Мавзуни янада мустаҳкамлаш учун ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ўртага қўйиб, уларни аҳли сунна вал-жамоа мазҳаби уламолари-буюк фақиҳларнинг ва машҳур саҳоба-ю муҳаддисларнинг фикрлари ҳамда ривоятлари асосида ҳал қилади.

“Салоти Масъудий” асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унда ўзга мазҳаблар танқид қилинмайди, балки бирон масала юзасидан уламолар иттифоқи мавжуд бўлса, шу эътиборга олинади. Агар қандайдир ихтилоф бўлса, бу ихтилоф мазҳаблар доирасида умумий тарзда кўриб чиқилади. Унда тўрт мазҳаб ичидан асосан Имом Шофеъий эътибори инобатга олинган. Ундан сўнг ҳанафий мазҳаби уламоларининг фикри келтирилади. Ўртадаги ихтилофнинг фойдаси айтилиб, ҳанафий уламолари фикрига далил сифатида мисол берилади. Мазкур асар 83 бобдан иборат бўлиб, кейинроқ у фикҳий маълумотлар билан тўлдирилган ва уч бўлим (жилд)га ажратилган.

Масъуд Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асаридан Алоуддин Бухорий ўзининг “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарида кенг фойдаланган [6].

Алоуддин Бухорий ушбу асардан “Ҳайрату-л-фуқаҳо”нинг “Сувлар” бобида олтига, “Таҳорат”да иккита, “Маййит ҳақида”ги бобда учта, “Намоз” бобида ўн бешта, “Рўза” бобида битта, “Турли хил масалалар” бобида олтига, “Қурбонлик” бобида тўртта, “Қабр зиёрати” бобида учта, жами 40 та иқтибос келтирилган [7].

Ҳанафий мазҳабида ёзилган “Салоти Масъудий”га халқимизнинг эҳтиёжи ниҳоятда баланд бўлган. Мадрасаларда талабаларга айнан шу китобдан дарс берилган. Асарнинг илмий етуклиги, амалий қулайлиги сабабли, давр унинг кўплаб нусхаларда бўлишини тақозо қилган. Шу сабабли асар турли ҳудудларда кўплаб қўлёзма нусхаларда, маълум мақсадларда китобат қилинган. Бу омиллар асарнинг узоқ вақтгача ўз эътиборини йўқотмай, илмий мерос ривожига муносиб ҳисса қўшганидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳи фақиҳ ва уламоларнинг саъй-ҳаракатлари, маънавий мерослари туфайли бардавом ривожланди. Уларнинг ҳар бири ўз илмий услуби, фаолият кўрсатган даври ва шарт-шароитидан келиб чиққан

ҳолда самарали ижод қилдилар ҳамда пешқадам бўлдилар. Биз тадқиқотчилар ана шундай аждодларимизнинг асарларини тадқиқ этиб, халққа етказиб, муносиб ворис бўлишимиз керак.

References:

1. Мўминов А. Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳи // журнал “Имом ал-Бухорий сабоқлари”. № 1 (2001). Тошкент. Б. 88-91.
2. Қосимов М.А. Шамсу-л-аимма Сарахсийнинг “Мабсут” асарида молиявий масалалар: исломшунослик фанлари докт...дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2021.
3. С.Айний. Старая школа. – Душанбе, Маориф, 1975.
4. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ТИУ Манбалар хазинаси, тошбосма, № 175, 1904.-Б. 528.
5. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудийи туркий. ЎзР ФАШИ, тошбосма, № 10401. 1910.-Б. 12.
6. Алоуддин Бухорий. Ҳайрату-л-фуқаҳо. Қўлёзма. – В. 158 а.
7. Асророва Л.Қ. Алоуддин Бухорий “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни: тарих фанлари докт...дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2019.